

СПОРТЧИЛАРДА СТРЕССЛИ ҲОЛАТИНИНГ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ИЖТИМИОЙ-ПСИХОЛОГИК МОДЕЛЛАРИ

Раджабов Акмал Абдухалиқович

Ўзбекистон-Финландия педагогика институти Педагогика
кафедраси асистенти

Аннотация: Мақолада спортчи фаолиятига таъсир этадиган стрессларнинг келиб чиқиш сабаблари, таъсир доиралари ва уларнинг психологик хусусиятлари ёритилган.

Резюме: В статье описаны причины стресса, сферы влияния и их психологические особенности, влияющие на результативность спортсменов.

Abstract: The article describes the causes of stress, the spheres of influence and their psychological characteristics that affect the performance of athletes.

Калит сўзлар: Спортчи, стресс, стрессорлар, нерв системаси, мусобақа жараёни ва бошқалар.

Ключевые слова: Спортсмен, стресс, стрессоры, нервная система, соревновательный процесс и др.

Keywords: Athlete, stress, stressors, nervous system, competition process and more.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ахборотнинг глабаллашуви, ҳаёт тарзининг ўзгариши ва мураккаблашуви, унда ҳамма жараёнлар ҳам бир текисда кечмаётганлиги шундай стрессларни көлтириб чиқармоқдаки, уларнинг ҳаддан зиёд ортиб кетиши саломатликнинг бузилишига, руҳий барқарорликнинг издан чиқишига олиб келмоқда. Инсон сувсиз, ҳавосиз, овқатсиз яшай олмаганидек, стрессиз ҳам яшай олмайди. Лекин стресс субъектда тўпланиши ва шундай кучга эга бўлиши мумкинки, натижада одам у билан курашишга қодир бўлмай қолади ва касалликка чалинади. Шу нарса жуда муҳимки, эмоционал стресс даражаси, авваламбор, конкрет одамнинг стресс ҳолатига муносабати, уни қандай талқин этиши ва қабул қилишига боғлиқ бўлади. Кўпинча, кучли эмоционал стресс организмнинг касалликларга бериувчанигини ошириши мумкин.

Инсонлар хаёти ва фаолиятида юз берадиган стресс ва аффект муаммоси янги асримизнинг умум қабул қилинган муаммоларидан

хисобланади. Биз эмоционал стрессларнинг олдини ололмаймиз, ундан четлаша олмаймиз, муаммо ҳам шундаки, биз стрессорлар билан келиша олмаймиз деган илмий фаразлар илгари сурилаётганлиги сир эмас.

Е.Мироновнинг ёзишича, инглиз тилидан таржима қилинганда “стресс” сўзи “психик зўриқиш”, “босим ўтказиш” маъноларини англатади³¹. Дисстресс сўзи эса “қайғу”, “муҳтожлик”, “чарчаш” маъноларида қўлланилади [93;10].

Стресс – бу шунчаки асабий зўриқиш эмас (гарчи асаб зўриқиши – стресс бўлиб ҳисоблансада). Кўпчилик мутахассислар ва ҳатто баъзи олимлар ҳам биологик стрессни кучли эмоционал қўзғалиш билан айнан бир нарса, деб таъкидлайдилар. Шахс фаолиятидаги олий нерв тизимига таъсир этувчи эмоционал қўзғатувчилар амалда энг кўп учрайдиган стрессорлар ҳисобланади ва албатта, бундай стрессорлар одатда психиатрларга мурожаат қилувчи мижозларда кўпроқ кузатилиши тадқиқотларда ўз исботини топган. Стресс – ҳар доим ҳам шикастланишга олиб келавермайди. Ҳар қандай меъёрий фаолият зарар келтирмайдиган маълум даражадаги стрессни чақириши мумкин.

Психология атамалари луғатида “стресс” сўзига қуйидагича таъриф берилган: стресс (инглизча стресс – босим, кучланиш) – инсоннинг турли экстремал таъсир (стрессор)ларга жавобан юзага келадиган кенг доирадаги ҳолатини ифодалаш учун фойдаланиладиган атамадир. Дастлаб “стресс” тушунчаси физиологияда организмнинг турли нохуш таассуротларга жавобан ихтисослаштирилмаган реакцияси сифатида тушунтирилган. Кейинчалик индивиднинг фавқулодда вазиятлардаги физиологик, психологик ва хулқ-атворидаги ҳолатини ифодалаш учун фойдаланила бошланди[125].

Стресс ҳолатларини инсон ҳаётининг турли даврларида турлича намоён бўлиши олимлар томонидан тадқиқ этилган [Н.Н.Бехтерева, 1994; Ф.Е.Василюк, 1999, М.В.Коркина, 1998, Л.А.Китаев-Смык, 1993] бўлиб, улар кўпинча бу тафовутларни ҳам асаб, ҳам гормонал тизимдаги ўзгаришлар билан боғлаб тушунтирадилар.

Б.Г.Мещеряков томонидан тайёрланган луғатда эса, стресс – “инсоннинг кундалик фаолияти жараёнида юзага келадиган бир мунча

³¹ Е.Миронов. Стресс. –Москва.: Санкт-Петербург. 2003. -10c.

мураккаб, қийин шароитларда ва мұхым вазиятларда пайдо бўладиган психик зўриқиши ҳолатидир" деб таърифланган[100;421].

Стресснинг шаклланиш сабаблари организмнинг биологик бутунлигига ҳамда инсондаги психологик ҳолатга ҳам таҳдид солади. Ана шунга асосланиб, олимлар стресс ҳолатларини икки гурӯҳа – физиологик ва психологик стресс сифатида фарқлайдилар. Физиологик стрессни физиологик таъсирлар – турли хилдаги тўсиқлар, шунингдек, кучли овозлар, кучли ёруғлик, ҳавонинг юқори ҳарорати, вибрациялар ва бошқалар келтириб чиқариши, психологик стрессни вазиятнинг фавқулоддалиги инсоннинг юзага келган вазиятга муносабати ва унинг мураккабликни баҳолаши ёки муаммо олдида ожиз бўлиб қолиши билан белгиланиши изоҳланади. Вазифанинг кутилмагандага ўзгартирилиши, зарур тайёргарликнинг йўқлиги, вақт тифизлиги, ишнинг юқори аҳамиятга эга эканлиги, шунингдек, топширилган вазифа учун шахсий масъулият – психологик стрессга олиб келувчи типик вазиятлар ҳисобланади. Шунингдек, психологик стресс- ахборот ва эмоционал стрессга тафовутланади.

Ахборот стресси ахборот юкламалари ортиб кетган вазиятларда, инсон ўзи қабул қиласиган қарорлар оқибати учун жуда катта масъулияти ҳолат юзага келганда у керакли алгоритмни тополмайди, талаб қилинган маромда тўғри қарорлар қабул қилишга улгурмайди. Ахборотли стрессга бошқарувнинг техник тизим операторларининг иши мисол бўла олади.

Бир қанча адабиётларда шахс бажараётган фаолиятининг функционал ишончлилиги у бошқараётган обьектнинг ҳолатига қанчалик тўғри ва ўз вақтида ўзгартиришлар кирита олишига бевосита боғлиқлиги кўрсатилади. Спорт фаолиятининг муваффақияти унинг фойдалилиги ва функционал ишончлилиги, шу фаолият жараёнининг реал мазмуни адекватлиги, тўлиқлиги, ривожланиш даражаси орқали аниқланади. Агар бу ҳолатларда бузилиш содир бўлса, албатта, фаолиятнинг бошқарилиши ва бажарилишида қийинчиликлар пайдо бўлади.

Спорт фаолиятининг ахборотли асоси тушунчаси – фаолиятнинг предметли субъектив шароитларини тавсифлайдиган ҳамда фаолиятни мақсад-натижка ҳолатида ташкил этишга имкон берадиган маълумотлар йиғиндиси сифатида тушунилади.

Спорт фаолиятининг ахборотли асоси уч хил даражада шаклланиши қайд эилган:

- 1) сенсор-перцептив даражаси;

- 2) когнитив даражаси;
- 3) образли-оператив даражаси.

Спорт фаолиятининг ахборотли асосини унинг шакланишидаги зўриқишлиар, ортиқча юкламалар стресснинг ривожланишига замин тайёрлайди.

Ахборотли стресс субъектнинг экстремал сигнал ёки вазият давомидаги стресс таъсирининг хавфлилигини айнан ўз-ўзича қандай баҳолашига боғлиқ бўлади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, айнан реал стресссли вазиятнинг ўзигина эмас, балки унинг тасаввур этилиши ҳам хавф солувчи сифатида қабул қилинаверади ва бу ҳам ахборотли стрессни келтириб чиқаради.

Стресс тушунчасини тадқиқ эта туриб, бир қатор муаллифлар уларга хос умумий назариянинг йўқлигини, шу муносабат билан мазкур тушунчаларнинг умумқабул қилинган таърифлари ҳам йўқлигини таъкидлаб ўтадилар (В.Л. Бодров, 1995). Ўз навбатида улар стрессни тушунишда бир нечта ёндашувларни ажратиб кўрсатадилар. Стрессни стимул, жавоб реакцияси ва трансакция сифатида қараш мумкин. Ана шу ёндашувларга мос равишда мавжуд бўлган стресс моделлари стимулли модель, жавоб реакция ва трансакт моделларга бўлинади [K.B. Matheny, D.W. Ayccock, atal. 1996; Т. Кокс, К. Маккей 1995].

1. Стимул моделлар. Буларга шундай моделлар киритилади, улар стрессни шахслилик зўриқишига олиб келувчи психологияк талаб сифатида қараб чиқадилар. Стресс бунда мустақил ўзгарувчанлик, атроф муҳитнинг объектив хоссаси деб таърифланади. Стимулли ёндашувни ривожлантирган ҳолда бир қатор муаллифлар стресс бу инсон билан юз берувчи ҳолат, унинг ичидаги эмас, бу сабаблар йиғиндиси, симптомлар йиғиндиси деб эътироф этадилар. Стресс ҳар доим оптимал шароитлардан оғиш юз бергандা ва инсон бу оғишни енга олмаган ҳолда ёки қийинчилик билан енганида юзага келади.

Стресс таҳлилига стимулли ёндашув эргономик тадқиқотларга хосдир [Т. Кокс, К. Маккей 1995]. Қўзғалишнинг психофизиологик тушунчасини қўллаган ҳолда бу ёндашув ташқи муҳитнинг фаолиятни бажариш даражасига таъсирини таҳлил қилиш учун ишлатилади. Мазкур ёндашув намоёндалари ишларида психофизиологик ва ижтимоий-психологияк методикалар ёрдамида инсонга зўриқиши таъсири тадқиқ этилган. Қараб чиқилаётган ёндашув доирасида “стрессоген” деб классификация қилинган 8 та вазият типлари ажратиб кўрсатилади. Улар информацияни қайта ишлашнинг катта тезлиги, зарарли ташқи таъсиротлар, кечинилаётган хавф-хатар, физиологик

фаолиятнинг бузилиши, изоляция, тўсиқлар, грухий босим, фрустрациядан иборат.

Стресснинг стимулли моделлари ташки мұхитнинг ҳаётий воқеалари каби омиллари ролига алоҳида үргу берилади. Ҳар қандай ҳодиса стресс, унга тана томонидан бериладиган жавоб эса зўриқиш ва босим билан намоён бўлади. Уруш, очлик, баҳтсиз ҳодисалар, босим ва бошқа салбий ҳодисалар стресс ҳисобланади. Стимулли моделларда тасдиқланишича, ҳаётий воқеалар гуруҳи кўринишидаги стресс, стресс симптомлари, кўпинча касалликларга олиб келади. Шундай қилиб, стимулли моделда асосий диққат - эътибор стресс омилларини ёки стрессорларни тадқиқ этишга қаратилади.

2. Қайта жавоб бериш модели тарафдорлари стрессни атроф мұхит талабларига физиологик жавоб реакцияси сифатида талқин этадилар. Юқорида таъкидланганидек, бу модел намоёндаларидан бири Г.Сельедир.

Д.Механик (1992) ва Х.Вольфлар (1993) таклиф этган моделлар ҳам стресс жавоб реакцияси сифатида баҳоланган. Х.Вольф стрессни организмнинг динамик ҳолати сифатида талқин этиб, уни мослашиш талабларига жавоб сифатида ривожланишини таъкидлайди. Мазкур модел намояндалари организмнинг физиологик мобилизацияси стрессли вазиятларни бошқариш учун ўта мұхим эканлигини қайд этганлар. Т.Кокс (1995) фикрича, юқорида зикр этилган ёндашувларнинг ҳар иккаласи ҳам бир қатор камчиликларга эга. Улар механик характерда бўлиб, инсонни стресс таъсириининг пассив обьекти сифатида қарайди. Шунингдек, улар кўпинча психологик жараёнлар кечишининг индивидуал хусусиятларига үргу берадилар. Бундан ташқари, мазкур моделларда стрессли вазиятларни өнгишдаги психологик ресурслар тадқиқ қилинмаган ва уларнинг можияти етарлича очиб берилмаган.

3. Стресснинг трансакт моделлари ўз навбатида стрессни шахс ва атроф мұхит ўртасидаги ўзаро таъсир деб қарайдилар [Т.Кокс, 1978; Ф.Б. Березин 1988]. Стресс характеристикасини талқин эта туриб, улар физиологик ва психологик стресс ҳолатларини фарқлашни таклиф этадилар, бу ҳолатларни тафовутловчи асосий хусусият психик стрессни юзага келиши учун зарур бўлган хавф-хатарни идрок қилишdir, деб тушунтирадилар. Бу босқичнинг киритилиши стимулни баҳолашда когнитив жараёнларнинг қатнашувини, хавф-хатар солувчи сифатида қарашиб, бўлажак хавфни олдиндан кўра олувчи маълум

вазиятда хавф-хатарни ҳис қилишни шахс хусусиятлари ва аввалги тажрибага боғлиқлигини тақозо этади.

Трансакт модель намояндалари инсон фаолигини аниқлашда унинг когнитив қобилияти ҳал қилувчи роль ўйнашини алоҳида таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, стресс вазиятга ҳам, шахсга ҳам боғлиқ эмас, лекин атроф-муҳит ва шахс ўртасидаги ўзаро таъсиридан иборатдир. Стресснинг когнитив назарияси асосчиси Р.Лазаруский [80;178] фикрича, стресс фақатгина атроф муҳит талаблари инсон имкониятлари чегарасида ёки ундан ташқарида бўлганда юзага келади. Бу ерда асосийси, ташқи муҳит талаблари, инсоннинг индивидуал хусусиятлари ва жалб қилинган ҳимоя механизмларининг адекватлигидир. Р.Лазарускийнинг когнитив модели стресснинг ривожланишидаги етакчи роли ҳақидадир [Цит. по: В.А. Бодров, 1995].

С.Хобфоль фикрича, стресс ҳақидаги когнитив модель жуда мураккаб ва бўлиши мумкин бўлган варианtlар, оғишларни қараб чиқмайди. Мазкур моделда, унинг фикрича вазиятларни идрок этиш ва англашга ҳаддан зиёд кўп эътибор берилади, бу эса мазкур вазиятлардан қочиш ва стресснинг олдини олишда стратегияларни тузиш эҳтиёжлари ва инсон ресурслари аҳамиятини акс эттирмайди.

Т.Кокснинг таъкидлашича, стресс – бу инсон ва вазият ўртасидаги ўзаро таъсири натижаси бўлган индивидуал феномендир. Бу жараён табиатига кўра, фаол характерга эгадир. Ҳаракат қилувчи инсон доимий равишда мазкур вазиятдаги турли ташқи стимулларни ва ўзининг уларни енгиш билан боғлиқ имкониятларини баҳолайди. Вазият инсондаги мавжуд эҳтиёжларни қондирилишига ё ёрдам бериши ёхуд тўсқинлик қилиши мумкин. Бу эса янги ички эҳтиёжларни вужудга келтиради. “Эҳтиёж” термини Т.Кокс талқинида инсон томонидан объектив реалликка ёки психик жараёнларга ёхуд ҳолатларга даврий характердаги ҳаракатни ҳисобга олган ҳолда қўйиладиган талабларни ифодалаш учун ишлатилади.

Бундан ташқари, ташқи таъсиrot характери ҳақидаги перцептив тасаввур, бўлаётган ўзгаришларнинг масофавий характеристикалари (яқинлик-узоқлик), пайдо бўлиш частотаси, тезлиги унинг бир хилда эмаслиги ва бошқа стимуллар билан биргаликдаги ёки уларсиз янгилиги асосида шаклланади. Индивидуал ресурслар тушунчаси остида Т.Кокс мазкур вазиятда фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ маҳсус ва ортирилган кўникмаларни ҳамда инсоннинг умумий характеристикаси – шахслик сифатлари ва шаклланган хулқ формаларини тушунади.

Вазият хусусиятлари ва инсоннинг хусусий баҳолаш тизими орқали юзага келадиган чегараланишлар ва ташқи томондан олинадиган қўллаб-қувватлаш юз бераётган ҳодисани баҳолашда ҳал қилувчи жабҳа ҳисобланади. Вазият босими инсонни хатти-ҳаракатларни танлашда чегаралаб қўяди. Агар ички эҳтиёжлар қондирилса, унда таъсир қилаётган стимул билан унга жавоб кўрсатиш имконияти ўртасидаги дисбаланс инсон учун чидаса бўладиган даражада бўлади. Акс ҳолда, дисбаланс ҳаддан зиёд стрессни келтириб чиқаради. Дисбаланснинг юзага келиш сабаби баъзи одамларнинг юқори муваффақиятларга, юқори ижтимоий мавқега интилиши билан боғлиқ. Кўпинча бундай дисбаланс ҳолати А- типга мансуб одамларда юзага келади.

Сўнгги йилларда психологияк адабиётларда “стресс” “стрессли кечинмалар”, “инқирозли вазиятлар” терминлари билан бир қаторда «енгиш» (*coping* (ингл.)) термини қўлланилмоқда. Замонавий психологияда уни адаптациянинг ҳосил бўлиши, енгиш хулқ-атвори, психологияк енгиш, вазиятни психологик қўлга олиш деб баҳоламоқдалар. С.К. Нартова-Бочавер (1997), психологик енгишга қаратилган хулқ тушунчасини таҳлил қила туриб, (“*coping behavior*”), шуни таъкидлайдики, енгиш, вазиятни психологик жиҳатдан “қўлга олиш” вазият билан ана шу вазиятнинг ўз мантиқи, инсон ҳаётидаги аҳамияти ва унинг психологик имкониятларига мос равишда ўзаро таъсирга киришишнинг индивидуал усулидир. Психологияк енгиш жараёни вазиятнинг ўзи орқали юзага келтирилади.

С.К.Нартова-Бочавер таъкидлашича, вазият субъект учун қўзғатувчи сифатида ўз аҳамиятини йўқотганда ва шу билан унинг энергиясини бошқа вазифаларни ҳал қилиш учун йўналтирганды психологик енгиш жараёни тугалланган ҳисобланади. Енгиш самарадорлиги мезонлари, асосан, субъектнинг психологик муваффақияти билан боғлиқ ва унинг неврозланиш (асабийлашиш) даражаси пасайиши билан белгиланади. Самарали енгишнинг яна бир мезони стресс ёки стрессли кечинмаларга берилувчанлик ҳиссиётининг заифлашуви ҳисобланади.

Т.Кокснинг стресс ҳақида илгари сурган ғояларида “енгиш” муҳим психологик категория деб эътироф этилади, у балансни инсон психологик ресурслари ҳисобига ушлаб туришини билдиради. Енгиш жараёнининг биринчи босқичи мос реакцияларни танлаш ва шакллантириш билан, иккинчи босқичи эса уларни амалга ошириш билан боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган.

Шундай қилиб, мазкур модель бир томондан когнитив моделлар билан тұғридан-тұғри боғлиқ, чунки үз ичига индивид томонидан вазиятнинг талаблари ва уни енгиш борасидаги үз имкониятларини когнитив баҳолашни үзіда жамлаган. Бошқа бир томондан бу моделда инсоннинг индивидуал хусусиятлари, унинг учун одат тусига кирган хулқатвор паттернлари, шунингдек, шахслик психологияк ресурслари, реакция бериш стратегияси ва ташқи мұхитдан құллаб-құвватлашга әришиш имкониятлари ҳисобға олинади.

4. Мос көлмаслик моделлари. Мазкур моделда стресс психологияк ресурсларни қўйилаётган талабларга мос равишда ҳаракатга келтирувчи динамик жараён деб эътироф этилади. Кўпгина муаллифлар бу моделни ҳам трансакт моделга киритиш тарафдоридирлар. Ю.Я.Голиков ва А.Н.Костинарнинг (1996) сўзларига кўра объектив борлиқнинг субъектив аҳамиятли үзгариши ва уни акс эттирилиши оқибатида юзага келадиган психик ҳодисани енгиш психик бошқариш механизмлари ёрдамида таъминланади. Үз навбатида, бу муаллифлар фикрича, стрессли вазиятларнинг вужудга келиш жараёнларига ундовчи бошқариш мазмунини очиб беради, мазкур муаммоларни енгиш жараёнлари эса ижро этувчи бошқариш мазмунини характерлайди. Кутимаган муаммоли вазиятнинг мураккаблиги объектив борлиқ ва уни психик акс эттириш ўртасидаги мос көлмаслик даражаси билан белгиланади. Бундан ташқари, мос көлмаслик даражаси қанчалик кучли намоён бўлса, субъект учун юз берәётган үзгаришлар шунчалик аҳамиятли, шунингдек, унинг учун мазкур үзгаришларни баҳолаш ва тушуниш ҳам, үз навбатида фаоллигини, хулқини ва фаолиятини вазиятга мос ҳолга келтириши ҳам қийин, бинобарин, мазкур вазиятни енгишга ҳам кўп вақт сарфлаш зарур бўлади.

Психологияк стресснинг ресурс моделларига стресс идрок қилинаётган талаблар билан қабул қилинаётган ресурслар ўртасидаги номутаносиблик сифатида қаралади. Бизга маълумки, эмоционал стрессни бошқариш механизмлари үз ичига физиологик, психологияк, когнитив, хулқатвор жараёнларини қамраб олади, шунингдек, субъект қобилиятлари, унинг шахслик хусусиятлари, илгариги тажрибаси, билимлари, қадриятлари, эҳтиёжлари ва мотивларини үз ичига олган шахс ресурслари ҳам ана шу механизм доирасига киритилади.

Бир қатор муаллифлар фикрича психик бошқариш даражали тузилмага эгадир. Унинг қуйидаги даражалари тафовутланади: бевосита үзаро таъсир кўрсатиш, бавосита координация, дастурли-

мақсадлы ташкил этиш, норматив ўзгаришлар ва дунёқараашни коррекциялаш. Бошқарув даражаси муаммоли вазиятларнинг юзага келиши ва уни енгиш жараёнлари хусусиятларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун бошқарувнинг белгиланиши унинг даражаларини танлашда асосий бўлиши керак. Турлича мураккабликлардаги муаммоли вазиятларнинг юзага келиши ва уларни енгиш турли даражаларда шаклланувчи бошқариш жараёнлари орқали таъминланади, шунингдек, инсоннинг психологоик ресурсларига мурожаат қилишни, уларни қўллашга таъсир кўрсатишни ўз ичига олади.

Бироқ мос келмасликнинг ортиб бориши билан муаммоларнинг юзага келиши ва уларни енгиш вақти интерваллари фақатгина ортиб қолмасдан, турли хил психологоик ресурслар, жумладан, энергетик ресурслар ҳам ортиб боради. Бундай ҳолларда инсондан вазиятни абстрактлаштириш, ҳаётий мұхим йўналишларни қайта кўриб чиқиш, принципиал янги билимлар ва ахборотни излаш, ўзига ва ўз кучига ишониш, жисмоний чиниққанлик, ижтимоий қўллаб-қувватлашга эга бўлиш каби билим ва сифатларни тақазо қиласди.

Шуни таъкидлаш мұхимки, казусли вазиятларнинг юзага келиши, вазиятни бошқариш ва мазкур вазиятларда ўзини ўзи бошқариш механизмларига бағишлиланган тадқиқотларда [Л.Г.Дикая, 1999, 2003, О.А.Конопкин 1995, В.И.Моросанова, А.О.Прохоров 2002, Р.Р.Сагиев 1992, В.И.Рождественский 1980, А.К.Осницкий, 1995, 1998] қўйидаги даражалар: психофизиологик, когнитив-фаолиятли, хулқ-атвор, эмоционал-мотивацион тафовутланади. Психик ҳолатларда ўзини ўзи бошқаришнинг тизимли-фаолиятли концепциясида стрессли вазиятларда инсон хулқ-атворини олдиндан аниқловчи ва бошқарувчи ўзини ўзи бошқариш маромлари кўрсатиб берилган [Л.Г.Дикая, В.И.Щедров. 1999, В.И.Моросанова 2001, Л.Г.Дикая, 2003]. Мазкур ишларда субъект қобилияти, унинг шахслик хусусиятлари, стрессни енгишдаги илгариги тажрибаси, қадриятлари, ижтимоий кўникумлари тадқиқ этилмаган. Бироқ ҳаётий қийинчиликларни енгиш борасидаги илгариги тажрибанинг мұхимлигини А.К.Осницкий (1998) ўз тадқиқотларида кўрсатиб ўтади.

5. Стресснинг интегратив модели. Юқорида кўриб чиқилган моделлардан ҳар бири ҳодиса-стрессор, идрок этиш ва физиологик реакция каби компонентларнинг мавжудлигини тан олган ҳолда улардан фақат биттасининг ролига алоҳида аҳамият беради, ҳолбуки, стрессли вазиятлар феноменини тушуниш учун барча компонентлар

мухимдир. Ўз навбатида интегратив модель намоёндалари стресс моделига шахсга қўйиладиган ички ва ташқи талабларни, бу талабларнинг жиiddийлигини ва ўз ресурсларининг адекватлигини баҳолаш ва қўйилган талабларни енгиш вариантларини танлаш ҳамда стрессли реакцияни киритадилар.

Уларнинг фикрича, эмоционал стрессни кечириш инсонга қўйилган талаблардан бошланади. Талаблар манбалари биздан ташқарида жойлашган ва ҳаётий ўзгаришлардан келиб чиқиши мумкин. Талаблар ижтимоий ролларимизнинг қўплигидан келиб чиқиши мумкин. Талаблар манбаи биз ўзимизни ҳаётнинг қандайдир соҳасида нималаргadir эришишга интилганимизда, воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз эмоционал реакцияларимизни назорат қила олишимиз ёки унга нисбатан масъуллигимизда, мужассам бўлиши мумкин. Бундан ташқари, маълум талаблар инсон томонидан дарҳол ҳис қилинадиган ўта хавфли стимулни ҳам ўз ичига қамраб олиши мумкин. Бундай тоифадаги талаблар шартли стимуллар бўлиб, стрессли реакцияни автоматик тарзда чақиради. Мазкур шартли стимул онгли баҳолашни четлаб ўтиб, организмнинг стрессли мобилизация қилинишига рефлектор тарзда олиб келади. Талабларга жавоб беришнинг индивидуал тафовутлари фақатгина талаблар ва ресурсларни баҳолаш усуllibаридаги фарқлар билан эмас, балки ҳаётий воқеаларга индивидуал одатий муносабат мароми билан таъсир этилади. Стрессга мойилроқ бўлган бундай маромни “А” типдаги хулқ-атвор паттернига эга ва воқеа-ҳодисаларга хавотирланиш билан жавоб берувчи шахсларда кузатиш мумкин. Талабларга мослашишда инсон ўз ресурсларига мурожаат қилади. Улар когнитив қўникмаларда, эмоционал эҳтиёжларни қондириш учун ижтимоий қўллаб-қувватлашда, юқори даражадаги энергия ва чиниқканлик кафолати сифатидаги саломатлиқда, стрессорларни енгишдаги илгариги муваффақиятларда, ҳаммаси яхши бўлади, деган оптимизм ёки кутилмаган, талабларни назорат қилиш ҳиссида, ҳаракатчанлик, қатъиятлилик, ўзини ўзи баҳолашда, ўзига бўлган ишончда намоён бўлади. Ресурсларнинг нисбатан муҳимлиги талаблар табиатига боғлиқ. Масалан, моддий талаблар билан тўқнаш келганда, молиявий ресурслар муҳим ҳисобланади. Агар одам атрофдаги ижтимоий муҳитдан – дўстлари, ота-онасидан қўллаб-қувватлашга эга бўлса, ишини йўқотиши ёки пулсиз қолиши ҳам унга унчалик катта психик жароҳат етказмайди .

Талаблар ва ресурслар ролини баҳолаш ҳақида гап борар экан, кўп олимлар Р.Лазаруский томонидан ажратиб кўрсатилган бирламчи ва иккиламчи баҳолаш жараёнлари ҳақида тўхталиб ўтадилар. Мазкур жараёнлар қўйилган талаб стрессор бўла оладими ёки йўқми, аниқлаш учун зарурдир. Долзарб талаблар ва ресурс талаблари ресурсларни идрок этишга нисбатан стресссли реакцияларнинг юзага келишида унчалик мухим ҳисобланмайди.

Аслида стрессга нисбатан реакция психологик, хулқ-атвор ва физиологик симптомлардан ташкил топган, деб баҳолаш тўғри бўлади. Психологик симптомларга идрокнинг торайиши, диққат концентрациясининг қийинлиги ва унинг етишмаслиги, хавотирланишнинг кучайиб бориши киради. Хулқ атвор симптомлари ўз ичига қочувчи хулқ-атворни, треморни, нутқ маромининг бузилишини, уйқудаги бузилишларни қамраб олади. Физиологик симптомларнинг кўпчилиги инсон организмини инқирозли, казусли вазиятларга тайёрлайди. Организмни мобилизация қилишдан иборат мазкур босқич Г.Селье томонидан умумий адаптацион синдром деб таърифланади. Бундан ташқари, стресснинг интегратив модели доирасида стрессни ёнгиш стратегияси ҳақида ҳам гап боради. «Мазкур стратегиялар бизнинг ёнгиш моделимизга мурожаат қиласди, биз стрессорга тўқнаш келганимизда ва у билан ўзаро таъсирга киришишимиз керак бўлганда “жанговар ёнгиш” (combative coping) ишга тушади. Ёнгининг бошқа бир стратегияси эса ёнгиш моделига мурожаат қиласди (preventive coping)».

Юқорида кўриб чиқилган илмий қарашлар стресс (рухий танглик, асаб зўриқиши) ҳолатларининг ижтимоий-психологик, турли вазият ва шахсий омилларнинг мураккаб алоқадорлигига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Шу билан бир қаторда стресснинг келиб чиқиш сабабларини (омилларини) янада аниқроқ ёритишга ва шундан келиб чиқиб бу ҳолатнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Миронов Е. Стресс. –Москва.: Санкт-Петербург. 2003. -10 б.
2. Андреева Г. М. Психология социального познания. –М.: 2000. -125 с.
3. Мещеряков Б.Г. Большой психологический словарь /Б.Г.Мещеряков. – М.: Прайм-Еврознак, 2008. – 421 с.
4. Харевская А.Ю. Выявление психологических и

психофизиологических особенностей индивида, влияющих на выбор средств и методов занятий оздоровительной физкультурой // Физическая культура индивида: сб. науч. трудов под ред. В.Д. Сонькина. -М.: 1994. -С.73-80.

5. Селье Г. Стресс без дистрессап. -М.: Прогресс. 1999. -134с.
6. Селье Г. Очерки об адаптационном синдроме. - М.: Медицина, 1960. – 312 с.
7. Лазарус Р. Теория стресса и психофизиологические исследования. - В кн.: Эмоциональный стресс. - М.: Медицина, 2010. – С.178-209.